

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «8» 6

2022-268-13-194-ХТ-

сон

Бўстон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкалъя тумани ХТБ номидан Устав асосида иш кўрувчи А.Нурумбетов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Ф ЭЛЛИККАЛЪАКУРИЛИШТАЪМИРЛАШ номидан устав асосида иш кўрувчи П.Султанов иккинчи томондан, Элликкалъя тумани ХТБга қарашли 60-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва объектни фойдаланишга тайёрҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига Элликкалъя тумани ХТБга қарашли 60-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «2» июндаги лот 91636-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, ҚҚС 15% 33 391 956,52 (ўттиз уч миллион уч юз тўқсон бир минг тўққиз юз эллик олти) сўм 52 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 256 005 000 (икки юз эллик олти миллион беш минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас , куйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда , санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар , қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши , шартнома мавзуси , субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги , ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофиза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш , шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш ;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш ;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага , иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш ;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга рияз этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш ;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш ;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30** кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказилади,бу **76 801 500 (етмиш олти миллион саккиз юз бир минг беш юз) сўм 00** тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни **179 203 500 (бир юз етмиш тўққиз миллион саккиз юз бир минг беш юз) сўм 00** тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади .

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар .

18.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар , у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек,қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

Х.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи :

барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

ХІ.ТОМОНЛАРНИНГМУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

ХІІ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

ХІІІ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, молия йилига (2022 йил 31 декабр)гача ўз кучида қолади.


36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (Знусхада) тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман ХТБ 60 мактаб	Ф ЭЛЛИКҚАЛЪАКУРИЛИШТАЪМИРЛАШ
Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 32 19	Манзили: Элликқалъа тумани
ш/х*100 022 860 352 507 092 100 075 102	Тел факс 88-540-20-10
бюджетдан маблағ олувчи	х/р:2020 8000 8043 1161 8001
СТИРи 200 914 240 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Тўрткул миллий банк
Ғазначилик бўлинмаси номи	ИНН:204 831 674 МФО: 00846
Элликқалъа Ғазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТшББ МФО 00014	
ғазначилик бўлин-и СТИРи 201 122 919	
Рахбари 	Рахбари:  П. Султанов



**YURIDIK АҲАМИЯТГА EGA HУJJATLARNING
QONUNCHILIKKA NOMUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Ellikqal'a tuman xalq ta'limi bo'limi nomidan Ustav asosida ish ko'ruvchi A.Nurimbetov bir tomondan va keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan "ФЭЛЛИКҚУРИЛИШТАЪМИРЛАШ" ФИРМАСИ nomidan ustav asosida ish ko'ruvchi P.Sultanov ikkinchi tomondan, Ellikqal'a tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli 60-son umumiy o'rta ta'lim maktabi binosini joriy ta'mirlash doir pudrat shartnomasini loyihasi to'g'risida

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 06-iyunda ishlab chiqqan va dasturga 2022-yil 06-iyunda kiritilgan.

4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:

Mazkur shartnoma loyihasiga asosan "ЭЛЛИКҚУРИЛИШТАЪМИРЛАШ" фирмаси tomonidan shartnoma bo'yicha Pudratchi tomonidan bajarilgan tanlov savdosi natijasida aniqlangan tanlov komissiyasining qarori 2022-yil 02-iyundagi 91636-sonli bayonnomasi bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalar, QQS 15% 33 391 956,52 (o'ttiz uch million uch yuz to'qson bir ming to'qqiz yuz ellik olti) so'm 52 tiyinni o'z ichiga olgan holda joriy narxlarda 256 005 000 (ikki yuz ellik olti million besh ming) so'mni tashkil etishi belgilangan.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida»gi O'RQ-670-1-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi «Davlat xaridlari to'grisida»gi RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi «Davlat xaridlari to'grisida»gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PQ-3953-son qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14 sentyabrdagi «Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PF-6313-sonli farmoniga asoslangan.

Ellikqal'a tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



A.Kadirov
08.06.2022-yil